



ИҚТИСОДИЁТНИНГ ГЛОБАЛЛАШУВИ ШАРОИТИДА БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a44

Пардаев Тўлқин Носирович –

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси
Божхона институти Божхона тартибга
солиниши ва божхона тўловлари кафедраси
доценти, иқтисод фанлари номзоди

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси ташқи савдосини тартибга солишда қўлланилаётган божхона тўловлари таҳлил қилинган. Иқтисодийни ривожлантириш ва либераллаштириш жараёнларини янада жадаллаштириш мақсадида белгиланган вазифаларни ҳал этишда божхона тўловларининг ўрни ва аҳамияти кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, мамлакат ташқи савдосини янада самарали ривожлантиришда божхона тўловларини қўллашни хорижий илғор тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш бўйича илмий асосланган ҳулоса ва таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: божхона тўловлари, импорт божхона божси, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, божхона йиғимлари, ташқи савдони либераллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, ташқи иқтисодий фаолият, ташқи савдо, давлат бюджети.

ПЕРСПЕКТИВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТАМОЖЕННЫХ ПОШЛИН В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ

Пардаев Толқин Носирович –

доцент кафедры таможенного регулирования и
таможенных платежей Таможенного института
Государственного таможенного комитета Республики
Узбекистан, кандидат экономических наук

Аннотация. В статье анализируются таможенные платежи, применяемые при регулировании внешней торговли Республики Узбекистан. Выделены роль и значение таможенных пошлин в решении поставленных задач по дальнейшему ускорению процесса экономического развития и либерализации. Также приведены научно обоснованные выводы и рекомендации по совершенствованию использования таможенных пошлин в целях более эффективного развития внешней торговли страны с учетом передового зарубежного опыта.

Ключевые слова: таможенные платежи, ввозные таможенные пошлины, налог на добавленную стоимость, акцизы, таможенные сборы, либерализация внешней торговли, модернизация производства, внешнеэкономическая деятельность, внешняя торговля, государственный бюджет.

PROSPECTS FOR IMPROVING THE USE OF CUSTOMS DUTIES IN THE CONTEXT OF GLOBALIZATION OF THE ECONOMY

Pardaev Tolqin Nosirovich –

Associate Professor of the Department of Customs
Regulation and Customs Payments of the Customs Institute
of the State Customs Committee of the Republic of Uzbekistan,
Candidate of Economic Sciences

Annotation. The article analyzes the customs payments used in the regulation of foreign trade of the Republic of Uzbekistan. The role and importance of customs duties in solving the tasks set to further accelerate the process of economic development and liberalization are highlighted. It also provides evidence-based conclusions and recommendations for improving the use of customs duties in order to more effectively develop the country's foreign trade, taking into account advanced foreign experience

Key words: customs payments, import customs duties, value added tax, excises, customs fees, liberalization of foreign trade, modernization of production, foreign economic activity, foreign trade, state budget.

Кириш. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамият ривожини янги босқичга қўтариш, иқтисодийни модернизация қилиш, давлатнинг иқтисодийдаги улушини камайтириш ва таркибий ўзгартиришларни жадаллашти-

ришга қаратилган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ташқи савдо мамлакат иқтисодийтига бевосита таъсир этиб, уни янада либераллаштириш миллий иқтисодийнинг ривожланишига замин яратади.

Хар бир мамлакат дунё бозорида ўз ўрнига эга бўлиши учун мамлакат ишлаб чиқариш салоҳиятини юқори даражага олиб чиқишга доимий равишда интилиб боради. Ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш ва дунё бозорига чиқишда эса импорт таркибини доимий равишда ўрганиш ва унинг таркибини оптималлаштириш ҳамда экспорт салоҳиятини ошириб бориш ташқи савдони эркинлаштиришнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қаътий давом эттирамиз” номли маърузасида, мамлакатимиз тараққиёт стратегияси доирасида амалга ошириладиган энг устувор вазифалар ҳақида қисқача тўхталиб, “Учинчидан, миллий иқтисодиётни, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида ривожлантириш устувор вазифаларимиздан биридир” деб белгилаб берди [1].

Ташқи иқтисодий фаолиятни божхона тўловлари билан тартибга солиш орқали ташқи савдонинг самарали таркибини таъминлаш, ички товарларни ишлаб чиқарувчиларни чет элнинг носоғлом рақобатидан ҳимоялаш, давлат бюджети даромадлар қисмини шакллантириш каби вазифалар бажарилади.

Бож ва солиқлар ставкаларининг миқдори мамлакат ташқи савдосининг ривожланиш ҳолатига бевосита таъсир этиб, давлат бюджети даромадлари шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди. Шу боис ушбу соҳани назарий жиҳатдан тадқиқ этиш, натижалари бўйича олинган назарий хулосалардан амалиётда тўғри қарор қабул қилишда фойдаланиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда қўлланилаётган божхона тўловлари турларининг иқтисодий моҳиятини ижтимоий-иқтисодий нуқтаи назардан таҳлил қилиш асосида уларни қўллашни такомиллаштириб бориш ҳаётий зарурат бўлиб қолмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Божхона тўловларининг моҳияти ва уларни қўллаш бўйича дунё олимлари турлича тариф берган. Жумладан:

В.Ю.Жуковец фикрича, божхона тўловлари деганда, товарларни божхона иттифоқининг божхона чегараси орқали олиб ўтишда божхона органларига мажбурий равишда, шахс томонидан тўланиши керак бўлган барча тўловларнинг йиғиндиси тушунилади [2]. О.Ю.Бакаев фикрича, божхона тўловлари – белгиланган тартибда божхона органлари томонидан йиғиладиган ва товарларни божхона иттифоқининг божхона че-

гараси орқали олиб ўтишда тўланадиган солиқ ва бюджетга тушадиган солиқ ва солиқдан ташқари тушумлар вазифасини бажарадиган мажбурий тўловлар [3].

В.Г.Свинохов ўзининг икки илмий ишида божхона тўловлари атамасига иккита мутлақо бошқа-бошқа тариф беради. Жумладан, илмий тадқиқот ишларининг бирида, божхона тўловларига товарларни олиб кириш ёки экспорт қилишда божхона органлари томонидан олинандиган ва товарларни олиб кириш ёки экспорт қилишнинг зарур шarti бўлган мажбурий тўлов сифатида тариф беради. Бошқа бир асарида божхона тўловлари тушунчасига тариф берар экан, божхона тўловлари божхона органлари томонидан олинандиган, божхона чегаралари орқали товарларни олиб ўтиш билан бевосита боғлиқ бўлган солиқлар ва йиғимлардир. Шу билан бирга, уларни тўлаш божхона процедураларини қўллашнинг муҳим шартидир, деб кўрсатиб ўтади [4].

Умуман, божхона тўловлари божхона чегараси орқали ташқи иқтисодий фаолият субъектлари томонидан товарлар олиб ўтилганда, ундириладиган мажбурий тўлов бўлиб, товарлар олиб ўтишнинг асосий шarti ҳисобланади. Божхона тўловларини ҳисоблаш, ундириш ва давлат бюджетига ўтказиш борасида ҳам охириги йилларда қатор ислохотлар амалга оширилмоқда ва уни ундириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий база такомиллашмоқда.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолада тизимли ёндашув, гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, иқтисодий-сиёсий кузатиш, омилли таҳлил усларидан фойдаланилган. Йиллар давомида ундирилган божхона тўловлари таҳлил қилиниб, уларни қўллашни такомиллаштириш бўйича илмий хулосалар берилди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига бу йўналишда қулайликлар яратилиши натижасида ундирилган божхона тўловларининг миқдори ҳам йилдан-йилга ошмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бу кўрсаткич 2012-2021 йилларда 9,2 мартага ошган.

Божхона тўловларининг ошишига: импорт товарларининг ҳажми кўпайиши, товарларнинг божхона қиймати аниқланиши такомиллашаётганлиги, божхона тўловлари ставкаларининг ўзгариши, эркин алмаштириладиган валюта курсининг ўзгариши, божхона тўловлари бўйича имтиёзларнинг камаяётганлиги, божхона соҳасида автоматлаштирилган ахборот тизимидан самарали фойдаланилаётганлиги, божхона соҳаси бўйича меъёрий-ҳуқуқий базанинг такомиллашаётганлиги каби асосий омиллар таъсир этган.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан 2010-2021 йилларда ундирилган божхона тўловлари динамикаси (млрд. сўмда)

Манба: ДБҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

2021 йилда жами божхона тўловлари таркибида: қўшилган қиймат солиғи 83,6 фоизни, импорт божхона божи 16,1 фоизни, акциз солиғи 0,1 фоизни, бошқа тўловлар 0,2 фоизни ташкил этган. 2014 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 56,1, 23,4, 17,1 ва 3,4 фоиз бўлган. Юқоридаги йилларда қўшилган қиймат солиғи 27,5 фоизга, импорт божхона божи 7,3 фоизга кўпайган ва аксинча акциз солиғи 17,0 фоизга, бошқа тўловлар 3,2 фоизга камайганлигини кўришимиз мумкин. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бунга сабаб охириги йилларда қўшилган қиймат солиғи, импорт божхона божи бўйича кўплаб имтиёзлар бекор қилиниши ва ставкаларнинг камайиши каби омиллар таъсир этган. Акциз солиғининг пасайишига 2021 йилдан бошлаб, 73 турдаги импорт товарларига акциз солиғи бе-

кор қилиниши ва 4 турдаги товарлар гуруҳига нисбатан акциз солиғи ставкаси белгиланганлиги сабаб бўлган.

Бошқа тўловлар, асосан, божхона йиғимларининг ундирилишидан шаклланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 ноябрда “Божхона йиғимлари ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 700-сонли қарори қабул қилинди ва у 2021 йил январдан амалиётга киритилди. Ушбу қарорда божхона йиғимлари ставкалари аниқлаштирилди ва барча ставкалар базавий ҳисоблаш миқдорига нисбатан сўмда жорий этилди ҳамда божхона йиғимларидан кўплаб имтиёз берилди. Бу эса божхона йиғимлари ва бошқа тўловларнинг камайишига олиб келди.

1-жадвал

Божхона органлари томонидан 2014-2021 йилларда Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари таркиби (фоизда)

Т/р	Божхона тўловлари турлари	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021
1.	Импорт божхона божи	23,4	24,9	25,8	22,5	16,1	13,5	14,6	16,1
2.	Қўшилган қиймат солиғи	56,1	54,5	54,1	60,4	74,5	78,5	79,8	83,6
3.	Акциз солиғи	17,1	17,3	17,2	14,5	4,6	4,6	3,5	0,1
4.	Божхона йиғимлари ва бошқа тўловлар	3,4	3,3	2,9	2,6	4,5	3,4	2,1	0,2

Манба: ДБҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Давлатларнинг ривожланиш даражасига кўра турли давлатларда турлича божхона тўловлари ундирилади ва уларнинг ставкалари турлича. Мисол учун, Россия давлатида ундирилган божхона тўловларини таҳлил қилсак, қуйидаги ҳолатни кўришимиз мумкин:

Россия Федерациясида 2017 йилда жами ундирилган божхона тўловлари таркибида қўшилган қиймат солиғи 41,5, экспорт божи 11,1, импорт божи 43,1, импортга акциз солиғи 1,6 ва божхона йиғимлари 2,3 фоизни ҳамда 2020

йилда қўшилган қиймат солиғи 40,1, экспорт божи 46,1, импорт божи 11,2, импортга акциз солиғи 1,3 ҳамда божхона йиғимлари 0,3 фоизни ташкил этади.

Россия Федерациясида 2017-2020 йилларда жами ундирилган божхона тўловлари таркибининг таҳлили шуни кўрсатадики, бу йилларда экспорт божи 11,1 фоиздан 46,7 фоизга кўтарилганини, импорт божи, аксинча, 43,1 фоиздан 11,2 фоизга тушганини кўришимиз мумкин [9].

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишдаги ислохотларни ҳисобга олиб, божхона тўловларини қўллашни оптималлаштириш жараёнларида қуйидаги тамойилларни ҳисобга олиш зарур ҳисобланади:

– ташқи иқтисодий фаолиятни божхона тўловлари билан тартибга солиш тизимини такомиллаштиришда илғор хорижий тажриба, халқаро принциплар ва нормаларни қўллаш;

– маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни республикада ишлаб чиқарилмайдиган, экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган хомашё ва материаллар билан таъминлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

– янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш мақсадида замонавий технологик ускуналар ва техникаларни олиб кириш учун қулайликлар яратиш;

– божхона расмийлаштирувида ташқи иқтисодий фаолиятнинг товар номенклатура коди бўйича яқин бўлган товарларнинг божхона тўловлари ставкаларини унификация қилиш;

– тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини жалб қилишни рағбатлантириш;

– акциз солиғига тортиладиган товарларга акциз солиғи ставкаларини унификация қилиш, уни инсон соғлиғи ва атроф-муҳит учун зарарли бўлган товарларга нисбатан қўллаш.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, ташқи савдонинг самарали ривожланишида божхона тўловлари ижобий таъсир этиб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларга олиб келмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, дунёда коронавирус пандемияси таъсиридаги глобал ўзгаришлар шароитида, мамлакатимизда ташқи

савдони янада самарали ривожлантириш божхона тўловларини қўллашни такомиллаштириш бўйича қуйидагиларни таклиф этаман:

– божхона тўловларидан бериладиган имтиёзларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида четдан олиб келинган товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказилгандан кейин мақсадли ишлатилишини мониторинг қилиш ва ушбу товарлардан мақсадли фойдаланган ҳалол ташқи иқтисодий фаолият субъектларига тўланган божхона тўловларини қайтариш механизминини жорий этиш;

– жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб, айрим юқори ликвидли товарларга, яъни халқаро бозорда талаб катта товарларга (масалан: мис ва мисдан ясалган товарларга, энгил саноат маҳсулотларига ва ҳ.к.) босқичма-босқич экспорт божхона божларини амалиётга киритиш тавсия этилади.

Бугунги кунда глобал ўзгаришлар шароитида жаҳон бозорида конъюнктура ўзгариб, рақобат тобора кучайиб бораётганини ҳар томонлама ҳисобга олиб, божхона тўловлари ставкаларини белгилашнинг ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатини ишлаб чиқиш ва шу аснода божхона тўловлари ставкаларини доимий равишда оптималлаштириб бориш таклиф этилади. Хусусан, АҚШда 1930 йилдаги “Тариф тўғрисида”ги қонунида, ХХРда 1992 йилдаги “Экспорт-импорт тарифи тўғрисида”ги низомларида ушбу тартиб белгиланган.

Юқоридаги хулоса ва таклифларни инобатга олган ҳолда божхона тўловларини қўллашни такомиллаштириш мамлакатимизда ташқи савдони янада самарали ривожлантиришга хизмат қилади ҳамда давлат бюджети даромадлар қисмининг ошишига олиб келади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қағтий давом эттирамиз” номли маърузаси.* // “Халқ сўзи” газетаси. 2021 йил 7 ноябрь, 238 (8018)-сон, 2-бет.
2. Жуковец В.Ю. *Таможенное право в вопросах и ответах.* – М., 2005. С. 98.
3. Бакаева О.Ю. *Правовое регулирование финансовой деятельности РФ.* – Саратов, 2005. С. 28.
4. Свинохова В.Г. *Таможенное дело.* – М., 2005 г. С. 251.
5. Свинохов В.Г., Сенотрусова С.В. *Таможенные платежи. Учебник. 2020 г. Изд. Юрайт.*
6. Пардаев Т. *Божхона тўловлари йиғилувчанлигини оширишда божхона қиймати ва уни аниқлашни такомиллаштириш йўллари.* Ўзбекистон божхона ахборотномаси. 2020 йил 1-сон. <http://uzbi.uz/video/Axborotnoma3.pdf>.
7. Маккамов З. *Импорт товарлар учун бож ставкалари пасайтирилди. Навбатда қўшилган қиймат солиғи бўйича ислохотлар кутилмоқда.* // Бозор, пул ва кредит. 2019 йил. 2-сон.
8. *Налог на добавленную стоимость – НДС в Германии 2018 год.* // www.investingberlin.com/nalogi_v_germanii/nds_v_germanii/
9. <http://dnevniknauki.ru/images/publications/2020/2/law/lshbuldin.pdf>
10. www.customs.uz
11. www.customs.ru